

ЖАШЛИК СУЎВИ



1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

7 октябрь, жума, 1994 йил
Сотувда эркин нархда. № 197 (945)

ПРЕЗИДЕНТНИНГ ВОДИЙ БЎЙЛАБ САФАРИ ЯКУНЛАНДИ

ФАРҒОНА. ЎзА махсус мухбирлари Г. Мирзо ва Р. Камолов хабар беради. Республика Президентини Ислам Каримов 5 октябрь кунин Фарғонага келди. Юртбошимиз шаҳар оstonасидаги миллий мезморилик анъаналарини ўзда муассас этган Фарғонанинг рамзий дарвозасини кўздан кечирди.

6 октябрь кунин эрталаб мамлакатимиз раҳбарининг вилот бўйлаб сафари "Чимен" агрофирмаси билан танишишдан бошланди. Уч йилдан кўра, ушбу жамоа Исроиқнинг "Мад" фирмаси билан ҳамкорлик қилмоқда. Бу ерда парhez гўшти етиштириш борасида ўзига хос тажриба тулган. Ислам Каримов ана шу хорижий фирма президенти жаноб Ави Поюрский билан суҳбатланди.

Сўнг республика Президентини Олтириқ туманига қарашли Алишер Навоий номидаги жамоа хўжалиги далаларида бўлди. Қува қандолатчилик фабрикаси, Қувабоддаги "Кварн" ишлаб чиқариш бирилмасида иш жараини билан танишди.

Куннинг иккинчи ярмида вилот ҳокимлиги биносида фаоллар билан учрашув бўлди. Унда шаҳар, туман ҳокимлари, ташкилот раҳбарлари иштирок этди. Учрашувда республика Президентини Ислам Каримов нутқ сўзлади.

Президентинг Фарғона вилоти бўйлаб сафари чоғида унга Бош вазирыннг биринчи ўринбосари И. Журабеков, республика Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов, Бош вазирыннинг ўринбосари М. Усмонов, Президентинг матбуот котиби М. Мухаммад Дўст, Фарғона вилоти ҳокими М. Исломов ҳамроҳлик қилди.

Шу кунин Ислам Каримов Тошкентта қайтиб келди. Аэропортда республика Президентини Олий Кенгаш Раиси вазифини бажарувчи Э. Халилов, Бош вазирын А. Муталов, Президентининг Давлат маслаҳатчиси Б. Фуломов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тулғанов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

ХАЛҚАРО АНЖУМАН ЯКУНЛАНДИ

Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг "Буюк ипак йўли" халқаро анжумани қатнашчилари 6 октябрь кунин Самарқанднинг қадимий Сиеб бозоринда бўлдилар. Уртутда барпо этилаётган муҳташам бинолар ва янги бозорини бориб кўрдилар. Тикувчилик, тўқувчилик, пичоқчилик, зардўзлик сингари халқ амалий сингари намуналари билан танишдилар.

Тўшдан кейин анжуман якунига бағишланган матбуот конференцияси бўлди. Самарқанд вилоти ҳокими П. Абулраҳмонов, Жаҳон сайёҳлик ташкилоти бош котиби А. Савиньяк, ЮНЕСКОнинг халқаро маданият лойиҳаларини тайёрлаш бошқармаси директори Д. Дьен, БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Х. Малик, "Ўзбектуризм" миллий компанияси раиси Б. Хусанбоев "Буюк ипак йўли" лойиҳасининг аҳамияти, бу лойиҳада Ўзбекистон Республикасининг тутган ўрни, Самарқанд Декларацияси ҳақида гапирдилар, журналистларни қизиқтирган кўлаб саволларга жавоб бердилар.

— Анжуман ниҳоятда самарали ва сермизмун ўтди, — деди Жаҳон сайёҳлик ташкилоти бош котиби А. Савиньяк. — У "Буюк ипак йўли" лойиҳасини муҳокама қилиш, баъзи ўринларини тўлдиринш, Самарқанд Декларациясини қабул қилиш билан бир қаторда қизғин мулоқотларга бой бўлди. Дуненинг турли мамлакатларидидаги сайёҳлик ташкилотларидан келган вакиллар Ўзбекистонни қайта кашф этдилар. Таассуротлар чексиз. Шундай гўзал мамлакатини, унинг дунёга кўз-қўз этгулик обидалари, осори атиқаларини кўрганидан беҳад мамнунман. Бу ерда сайёҳликни ривожлантириш учун ҳамма шароит бор. Фақат айрим хизмат турлари жаҳон талаблари даражасига кўтарилса бас. Аминманки, яқин йиллар ичида Ўзбекистон сайёҳлар кўлаб келадиган мамлакатлардан бирита айланади.

Шу кунин меҳмонлар Самарқанддан Тошкентта қайтиб келдилар. (ЎзА).



СУРАТДА: Боғот туманидаги "Боғот" давлат хўжалигининг шошкорни Ш. Матекубов.

Ш. ИБРОҲИМОВ суратта олган.

ЎЗБЕКИСТОН: ИСТИҚОЛ ОДИМЛАРИ

ШАҲАР ЯНАДА СЕРСОЯ БЎЛАДИ

Наманганнинг кўча ва боғлари янада серсоя ва салқин бўлсин деб вилот ўрмон хўжалиги жамоаси Бобораҳим Машраб номидаги шаҳар маданият ва истироҳат боғига беш минг тул акация ва терак кўчатин ҳада этди.

Ўрмончилар хўжаликда ўстирилган терак ва чинорлардан ҳам шаҳар эҳтиёжи учун зарур миқдорда ажратмоқда. Улар вилот марказидаги тарихий обидаларни қайта тиклаш ва таъмирлашда иштирок этади.

ҲАЁТ БА ҒИШЛАЙДИ КЎЗЛАРГА

Анджон давлат медицина институтини клиник шифохонаси кўз касалликлари кафедраси мудири Ҳабибулла Абдуқолиқов одамлар кўли енгил шифокор дейишди. У 20 йиллик меҳнат фаолияти давомида мингдан зиёд беморнинг кўзларига ҳаёт бағишлади.



ЯНГИ МАВСУМ БОШЛАНДИ

Бердах номидаги қорақалпоқ давлат муסיқали театри 69-мавсумини драматург Кенесбой Раҳмоновнинг "Ишқининг муҳаббати" спектакли билан бошлади.

Ҳозир театр ижодий жамоаси қорақалпоқ тумто адабиети намояниси Ажиниез таваллудининг 170 йиллигига ҳозирлик кўряпти.


ХАЛҚАРО КУТУБХОНА

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида "Марказий Осиёга бегараз ердан" халқаро корпорацияси хорражий адабиётлар кутубхонаси ташкил этганига бир йил бўлди.

Ана шу муносабат билан бу ерда ўтган кўрғазмада республика вазирилари, олий ўқув юртилари, хорражий давлатларнинг Тошкентдаги элчихоналари вакиллари қатнашди. Чет эллик меҳмонлар ўз юртларида наشر қилинган энг янги китобларини кўрғазмада намойиш этиш учун тақдим қилди. "Мустиқлик" деб номланган ушбу кутубхонада ҳозирги кунда 25.000 дан зиёд инглиз ва бошқа тиллардаги китоблар бор.

КУЗГИ ҚИРҚИМ ЖАДАЛ

Қашқадарёлик қоракўлчилар шу кунларда кузги жул қирқимини тез ва соз ўтнашига ҳаракат қилишгапти. Айниқса, "Ўзбекистон" насллик заводининг 3-фермасида бу юмуш кўнгилдагидек бўлаётти. Ҳар қўйдан 700-800 граммдан жул олинаётти. СУРАТДА: бош чўпон Саъдулла ЯНГИБОВ.



СУРАТДА: бош чўпон Саъдулла ЯНГИБОВ.

УЛУҒБЕК ҲАЙКАЛИ ОЧИЛДИ

НУКУС. 6 октябрь. ЎзА мухбири А. Исқандаров хабар қилди.

Бугун бу ерда буюк аллома ва давлат арбоби Мухаммад Тарағай Улугбек хайкали очишлишига бағишланган тантанали митинг бўлди. Уни Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси У. Аширбеков бошқарди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирын, Улугбек юбилейини тайёрлаш ва ўтказиш республика комиссияси раиси А. Муталов жаҳон илми хазинасига бебаҳо хисса қўшган буюк сиймо — Мирзо Улугбек хайкалинини тантанали вазиюда очди.

Шу кунин Бердах номидаги санъат саройида Мирзо Улугбек таваллудининг 600 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Уни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирил Кенгаши Раиси Р. Йўлдошев бошқарди.

Ўзбекистон Бош вазирын А. Муталов Улугбек хайти, илмий фаолияти ҳақида маъруза қилди ва республика юбилей комиссияси номидан эсдалик совраси — Улугбек сиймоси акс эттирилган тўшпирди.

Тантанали митинг ва йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси У. Аширбеков, ЎзФА вице президенти И. Исқандаров, халқ езувчиси Т. Қаншбергенов, халқ шоири И. Қусупов ва бошқалар сўзга чиқди.

Бу ҳақда Олий Кенгашнинг XVI сессиясида гапирилган эди БУГУН ДЕҲҚОН ДОН СОЧАР...

Самарқандлик галлакорлар бу йил 220 минг тонна дон етиштирдилар. Келгуси йилда эса ушбу кўрсаткичини 400 минг тоннадан оширишни мўлжалламоқдалар.

Аҳолининг нон ва ун махсулоти билан таъминини ўзинида етиштирилган дон ҳисобига қондириш республика Президентини ҳамда ҳукумати фаолиятининг асосий йўналишларидан бирита айланганлигига бугун барчамиз гувоҳ. Зеро, Ўзбекистон Олий Кенгашнинг XVI сессиясида таъкидлангандек, "Токи галла мустиқлигини эришмас эканмиз, иктисодий мустиқлик ҳақида гапирини ортиқча".

Ҳўх, аҳоли сони ва республика иктисодиётидаги салмоғи жиҳатидан олдинги ўринлардан бирини эгаллайдиган Самарқанд вилотида бу борада аҳвол қандай? Аввало шуни айтиш лозимки, кейинги йилларда вилотда галлачиликни ривожлантириш бўйича анча ишлар амалга оширилди. Масалан, 1992 йилда 163 минг, 1993 йилда 179 минг, 1994 йилда эса 194 минг гектар галла етиштирилди. Вилотда бу йил 220 минг тонна дон тайёрланди. Унинг 182,5 минг тоннаси бугуд, қолгани арпадир. Жами галланинг бир юз олтинчи минг тоннаси суви ерларда етиштирилди. Бундай жойларда ҳосилдорлик ўртача 25,1 центнер атрофида бўлди. Албатта, агар вилот аҳолисининг нон ва ун бўлан эҳтиёжини тўла қондириш учун 450 минг тонна бугуд талаб қилинса, бу борада ҳали анча ишлар амалга оширилиши керак.

Бу йил вилотнинг илгор галлакорлари деҳқончиликнинг уш-

бу соҳасида ҳам миришкор эканликларини амалда исботладилар. Масалан, Каттакўрган туманидаги М. Султонов номи ширкатлар уюшмасининг Келдиер Рўзимуродов бошлик бригадаси йигирма икки гектар галла майдонининг хар гектаридан етиштириш деярли ўқибатидир. Деярли бешта уруғчилик хўжалигида шу йилнинг ўзида ўн минг тоннадан зиёд юкори сифатли уруғ жамғириб кўйилди. Умуман, сифатли уруғ етиштириш учун вилотда пухта замин ҳозирланган.

Тойлоқ туманида Ўзбекистонда биринчи "Дон" агрофирмаси ташкил этилган эди. Бу ишга Самарқанд кишлоқ хўжалик институтини профессори Туракул Хўжакулов бош-қош бўлди. Тумандаги Улугбек номи жамоа хўжалиги раиси Музаффар Муқимов хозир ушбу агрофирма президентини ҳисоблади. Вилотдаги йигирма ушбу хўжалик ана шу агрофирмага ўшаган Ган шаҳрида, агрофирма ўз азъоси бўлган хўжаликларини биринчи навбатда сара уруғ билан таъминлайди. Унинг самараси қандай бўлди? Масалан, суви ерлардан вилот бўйича ўртача 25,1 центнердан ҳосил олинган бўлса, Тойлоқ туманида бу кўрсаткич 34 центнерни ташкил қилди. Агар анкирқ қилиб айтганим бўлса, Тойлоқ туманида биринчи марта унинг аҳолисини нон ва ун билан таъминлайдиган даражада ҳосил олинди. Бунда, сўзсиз, "Дон" агрофирмасининг тутган ўрни катта бўлди.

Бу йил вилотнинг илгор галлакорлари деҳқончиликнинг уш-

бу соҳасида ҳам миришкор эканликларини амалда исботладилар. Масалан, Каттакўрган туманидаги М. Султонов номи ширкатлар уюшмасининг Келдиер Рўзимуродов бошлик бригадаси йигирма икки гектар галла майдонининг хар гектаридан етиштириш деярли ўқибатидир. Деярли бешта уруғчилик хўжалигида шу йилнинг ўзида ўн минг тоннадан зиёд юкори сифатли уруғ жамғириб кўйилди. Умуман, сифатли уруғ етиштириш учун вилотда пухта замин ҳозирланган.

Тойлоқ туманида Ўзбекистонда биринчи "Дон" агрофирмаси ташкил этилган эди. Бу ишга Самарқанд кишлоқ хўжалик институтини профессори Туракул Хўжакулов бош-қош бўлди. Тумандаги Улугбек номи жамоа хўжалиги раиси Музаффар Муқимов хозир ушбу агрофирма президентини ҳисоблади. Вилотдаги йигирма ушбу хўжалик ана шу агрофирмага ўшаган Ган шаҳрида, агрофирма ўз азъоси бўлган хўжаликларини биринчи навбатда сара уруғ билан таъминлайди. Унинг самараси қандай бўлди? Масалан, суви ерлардан вилот бўйича ўртача 25,1 центнердан ҳосил олинган бўлса, Тойлоқ туманида биринчи марта унинг аҳолисини нон ва ун билан таъминлайдиган даражада ҳосил олинди. Бунда, сўзсиз, "Дон" агрофирмасининг тутган ўрни катта бўлди.

Ўзлаб гектар майдондаги хоси шу тариха йиғиштириб олинди. Лекин, тан олиш керак, кўпгина хўжаликларда галла масаласи бугунги кунда мамлакатимиз учун қандай аҳамият касб этаётганини тўғри тўшуниб етишмади. Эҳтимол — бу ўн йилликлар давомида бизда мазкур соҳага деярли эътиборсиз қараб келинганлиги оқибатиدير. Нима бўлганда ҳам вилотда давлатга бошоқли дон сотиш бўйича белгиланган режа ортинг билан уддаланса-да, аммо мўлжалдаги ҳосил олинмади. Чунки ўрмон олдидан далалардаги ҳосил чамаланганда бу йил қарийб 300 минг тонна дон ишлаб чиқариш иқомияти мавжудлиги аниқланган эди. Аммо дон ишлаб чиқариш режаси фақат Тойлоқ ва Нурад туманларида ортинг билан умдаланди, ҳолоқ. Албатта, бу қолни турли сабаблар билан изохлаш мумкин. Лекин баъзи туман ва хўжаликлардаги аҳолининг изохласи у ердига етиштирилган ўзлари ҳам дурустроқ баҳона топшолмас керак. Буни куйидаги мирослардан ҳам курс бўлади.

Нурад туманида галланинг деярли ҳаммаси лалми ерларда етиштирилди. Чул худудида хосилнинг қандай бўлиши, асосан, об-ҳавога боғлиқлиги барчага маълум. Нурад галлакорлари лалми ерлардан 6,3 центнердан ҳосил олган бир пайда Пахтачи туманидаги "Наврўз" жамоа хўжалигида сугориладиган майдонларда етиштирилган галла ҳосилдорлиги 5,3 центнерни, Булунгур туманидаги Фози йўдош номи жамоа хўжалигида эса ўн-

центнерни ташкил этган. Афсуски, вилотда сугориладиган ерлардан ана шундай кам ҳосил олган хўжаликлар сони анчагина. Албатта, бундай аҳвол вилот ҳокимияти ва агроаноат уюшмасини бефарқ қолдирмади. Унинг сабаблари яқинда Оқдаре туманида шу масалага бағишлаб ўтказилган кенгашга чуқур таҳлил қилинди. Унда "Суви ерлардан бу қадар кам ҳосил олинишининг асосий сабаби кўпгина галлачиликда бугун ҳам галлачиликка иккинчи даражали тармоқ, деб қаралаётганида", деб тўғри таъкидланди. Бундан ташқари уруғчиликка етарли эътибор бермаётган, сугорини падалартириш, номигагина ўтказган хўжаликлар кескин таъкид қилинди. Кенгашда бу борада йўл қўйилган бошқа камчиликлар хусусида ҳам атрофлича фикр юритилди.

1995 йил хосили учун Самарқанд вилотида 215 минг гектар майдонга кузги галла экиш мўлжалланган. Умумий майдон 1994 йилги ҳақда қолган бўлса-да, аммо сугориладиган майдонлар салмоғи 95 минг гектарга етказилди. Бу аввалги йилга нисбатан йигирма беш минг гектар кўлди. Барча майдондан олинандиган жами ҳосил миқдорини тўрт юз минг тоннадан ошириш мақсад қилиб қўйилган. Вилот ҳокимияти ва кишлоқ хўжалик ташкилотлари бу маррани эгаллаш учун хозирданок пухта замин ҳозирлашга киришдилар. Барча турдаги майдонларда галла уруғи қалаш 25 октябрда галла уруғини шарт қилиб қўйилган. Чунки вилотда келгуси йилдак аҳолининг нон ва ун махсулотидагидек булган эҳтиёжининг асосий қисминини шу ерда етиштирилган дон ҳисобига қондириш мўлжалланаётти.

Музаффар МУҚИМОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

СПОРТЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ
Мамлакатимиз спортчиларининг XII Осиё ўйинлари чемпионатидаги муваффақиятли иштироки Япония матбуотининг диққат марказида турибди. Деярли ҳар кунин Япония газеталарида Ўзбекистон спорт усталарининг галабалари хусусида мақолалар чоп этилаётти. Футбол бўйича миллий терма командамизнинг Саудия Арабистонини ва Малайзия спортчилари устидан йирик ҳисобда қозонган галабалари, айниқса эсда қоларли бўлди. Бу ўйинлар хусусида "Асахи симбун", "Никкей" ва бошқа бир неча рўзномалар махсус мақола чоп этди. Япония жамоатчилиги ва ҳукумати Ўзбекистон спортчилари Хиросимага жўнаш олдидан Иккинчи жаҳон уруши йилларида Тошкентда дафн этилган япон ҳарбий асирлари қабрини эиерат қилганини инсонпарварликнинг юксак кўриниши деб баҳолади. "Асахи симбун" газетасининг хабарига қараганда, мамлакатимиз спорт делегацияси раҳбари, Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси А. Азизхўжаев тантанали маросимда япон ҳарбий асирлари қабридан олинган хокни кунчиқар юрт вакилларига топширди. (ЎзА).

Бирорта танқид натижасиз қолмаслиги керак
ТЕЛЕФОНИМ ИШЛАМАЯПТИ ("Халқ сўзи" 1994 йил 29 июль). Самарқандлик Х. Мухаммадқулов ўзига тегишли 24-07-28 рақамли телефоннинг йил бошидан бун ишламаётганини, мутасаддиларга қилган мурожаатлари бечасар қолаётганини элб ишқоят қилган эди. Мазкур ишқоят газетда чоп этилган, тахририятимизга Самарқанд шаҳар ва шаҳарлараро бирилган телефон тармоғининг бошлиғи Х. Хақимовдан жавоб хати келди. Унда эзлийишча, Х. Мухаммадқуловга тегишли телефон дикдикатдан ҳам 12 январдан 22 июнгача алоқа қабелидаги ишқостаниш тўғрисида ишламаган. Қабелдаги носозлик тузатилиб, ҳозир телефон бениқсон ишқат қилипти. ВАЪДАДАН НАРГА УТИШМАЯПТИ ("Халқ сўзи" 1994 йил 6 август) Ушбу мақолада Яқсаров туманида яшовчи Кюмил Набиев ҳондондаги радиоузелининг икки ойдан бери ишламаётганини элган эди. Радио тармоғидан ноамълум шахс юз метр атрофидан синиқ узиб олиб кетганини бош рандоузели вақтинча ишқдан чиқанди,

Обуна — 95
«МАТБУОТЧИ»НИНГ ТАШАББУСИ
Қарши шаҳар ҳокимлиги, шаҳардаги ташкилотлар, корхона ва муассасаларнинг фаоллари ўтган йил вақтдан матбуот нашрларида обуна маъмумини муваффақиятдан ўзгалган эдилар. Хусусан, Қарши шаҳри буғича "Халқ сўзи" рўзномасига 1100 нуسخа обуна бўлиган ва республиканинг вилотлари марказий шаҳарлари ўртасида етакчи ўринни эгаллаганди. Айни кезларда шаҳарда газета ва журналларга обуна қабул қилиш қизғин давом эттирилди. Обуна фақат махсус жойларда еки алоқа бўлими тармоқларида эмас, балки корхона ва ташкилотларда ҳам жамоатчи фаоллар томонидан қабул қилинмоқда. Яқиндаги газета-журналлар, китоблар, идоравий ишқаларни сотишга йўналтирилган "Матбуотчи" хиссадорлик жамаияти жонқурлари газета ва журналларга аҳолининг бевосита турар жойларида, вақтли матбуот нашрлари билан савдо қилдиган дўконларда ҳам обуна қабул қилиш ташаббуси билан чиқдилар. Ҳозир дўкон ҳодимлари обуна қабул қилиш билан ҳам шуғулланаёттилар. Шунингдек, Қарши шаҳридаги қатор корхоналар, тижорат ташкилотлари, қариялар ва кам таъминланган оилалардан бир нечтасини газета-журналларга бепул обуна қилиш чораларини кўраштилар. Турли жағарма ва маъмуриятларнинг фаоллари ҳам ана шу савоби ишқдан четда тураётганлари йўқ. Г. ПУЛАТОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Ўзбекистон ва жаҳон

КАРВОН ЙЎЛЛАРИДА ЧИРОҚЛАР МАНГУ ПОРЛАЙДИ

Мамлакатимизда шу йил 3-6 октябрь кунлари Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг "Ипак йўли" халқаро лойиҳасига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти ва ҳукумати бу тадбирнинг юқори даражада ўтishi учун катта тайёргарлик ишларини амалга оширдилар.

Республика Президенти Ислам Каримов Жаҳон сайёҳлик ташкилоти (ЖСТ) Бош қотиби Антонио Эврикес Савиньякини қабул қилди. Катнашчиларга йўлланган мурожаатда "давлатимизнинг асосий нияти — давлатлар ва халқлар ўртасидаги ишонч ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва янада ривожлантиришдан иборат" эълон қилди.

Сайёҳлик — маданий тараққиётда фақат тижорат мақсадида эмас, балки турли соҳаларда эришилган ютуқларни баҳам кўриш, баъзи муаммоларни биргаликда ҳал қилиш, гоҳлар алмашишнинг сигнал бўлиши ҳақиқат. Ҳозирги пайтда Жаҳон сайёҳлик ташкилоти (ЖСТ) ана шу йўналишда салмоқли мақсад турибди.

ЖСТ сайёҳлик бўйича ҳужжатларга этакчи ташкилот ҳисобланади. Унинг қароргоҳи Мадрид шаҳрида жойлашган бўлиб, 125 мамлакат ҳудудида сайёҳлик йўлга қўйиш ва ривожлантириш масалалари билан шуғулланади.

ЖСТнинг Индонезиянинг Бали шаҳрида ўтган асамблеясининг Бош Х сессияси Ўзбекистонни ҳақиқий аъзо сифатида қабул қилди. Мамлакатимиз маънавиятини хом қилганини "Ўзбектуризм" миллий компаниясига халқаро "Ипак йўли" сайёҳлик лойиҳасини мувофиқлаштирувчи марказ вазифаси юксатди.

ХХ асрда немис олими Рихтгофен тарихшунослик фанига Буюк Ипак йўли тушунишини олиб кирди. Шундан бери қатор халқаро маданий тадбирлар ана шу тарихий ном билан аталади.

ХХ асрда немис олими Рихтгофен тарихшунослик фанига Буюк Ипак йўли тушунишини олиб кирди. Шундан бери қатор халқаро маданий тадбирлар ана шу тарихий ном билан аталади.

ХХ асрда немис олими Рихтгофен тарихшунослик фанига Буюк Ипак йўли тушунишини олиб кирди. Шундан бери қатор халқаро маданий тадбирлар ана шу тарихий ном билан аталади.

борасида дуненинг 40 га яқин турли оммавий ахборот агентликларини ўз вакиллари йордидилар. Ўзгаришлар қисқа мулоқотлар, матбуот конференциялари давомида журналистлар ЖСТ ушбу тадбирининг жуда кўп томонларига қизиқдилар, биргаликда ҳал қилиниши лозим бўлган анчагина муаммолар ечимини келишиб олдилар.

Анжуман иштирокчилари Тошкент ва Самарқанднинг диққатга сазовор жойлари билан танишар эканлар, мустақиллик мақомига эга бўлган мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳияти жуда катталигига иқдор бўлдилар. Гари 1992 йил июлда асос солиingan "Ўзбектуризм" миллий компанияси сезиларли ишлари амалга оширилган бўлса-да, уларни денгиздан томчи дейиш мумкин. Негаки, дунё мейморлигининг ноидири намуналаридан ҳисобланмиш қўлбал обидалар Самарқанд ва Хива, Тошкент ва Бухоро, Шахрисабз ва Термизни беэаъ турибди, уларнинг аксарияти эса ҳали дунё сайёҳларининг назарига тушгани йўқ. Йиғилиш давомида бу соҳадаги ишларни ривожлантиришнинг амалий йўллари ҳам белгилаб олинди.


Тошкент ва Самарқанд учрашувларида ЖСТ "Ипак йўли" халқаро лойиҳасига доир қатор ташкилий масалалар ҳам ҳал қилинди. Биринчи марта унинг рамзий белгиси — эмблемаси тақдим этилди. Самарқандда "Ипак йўли"нинг сайёҳлик бўйича декларацияси қабул қилинди. Қўлбал тарихий воқеаларнинг шоҳиди, бетимсол Регистон майдонига эзгу мақсадларини қалбига тутиб келган юзга яқин мамлакат вакиллари иштирокида қабул қилинган бу декларацияда бутунги ташвиш асрада тинчлик ва осойишталикка интилувчи одамлар иродаси акс этган.

Жумладан, сайру саяҳат ва сайёҳликнинг биринчи шарт — мақсадлилик ва давлатлар ўртасида барқарор тинчлик эълони таъкидланди, ҳужжатлар, сайёҳлик индустрияси, саяҳатчилар ва "Ипак йўли" ўтган мамлакатлар аҳолиси ана шу йўлда ҳамфариқ бўлишга даъват этилди. Тинчликсевар халқларнинг хоҳиш-иродасини акс эттирган бу ҳужжат ЖСТнинг ҳаракат дастуридан бири бўлиб қолади.

Мамлакатимизда ана бир анжуман ўтди. Бу мустақиллигининг илк кулларидоқ сиесата тинчлик ва ҳамкорликка интилишини эълон қилган Ўзбекистоннинг амалий қадимларидан биридир.

Ҳаким САТТОРИЙ, "Халқ сўзи" мухбири.

«ЁШЛИК» НИНГ БИР КУНИ



Чортоқ тумани Наманган вилоятидаги иқтисодий бақувват, келажоғи порлоқ туманлардан саналади. Бу ерда халқ ҳўжалигининг турли соҳалари бўйича режалар ошириб бажариб келинмоқда.

Туман марказида ҳозир янги бозор қурилиши жадал олиб боришмоқда. Яқинда полианика фойдаланишга топширилади. Ҳозир шилтаётган савдо маркази иш фаолиятини кўпчилик маъмури. Миллий усулда безатишган ушбу марказга "Ёшлик" деб ном қўйилди.

Туман марказида ҳозир янги бозор қурилиши жадал олиб боришмоқда. Яқинда полианика фойдаланишга топширилади.

Тоҳиржон ХАМРОҚҮЛ олган суратлар.



Тоҳиржон ХАМРОҚҮЛ олган суратлар.

Эл хизмати — ҳоритмас

"ОСИЁ" НОНЛАРИ ҲАШАРЧИЛАРГА МАНЗУР

Шу боис улар новвойларнинг умрлари узоқ бўлсин, дейишмоқда

Бугунги кунда Жиззах вилоятида қилчи, шилла чикириш қуввати қарий 100 тонна бўлган 12 та нон корхонаси, 8 та кичик қор-хона фаолият кўрсатмоқда. Таъдир нон ва нон маҳсулотлари тўққизта маҳсулот нон дўкони, 60 та озиқ-овқат ва 160 та қуноқли эҳтиёж моллари дўкони орали аҳолига, ҳамда пахта термиде қатнашган юз минг ҳашарчи пешма-пеш етказиб берилаётди.

Бугунги кунда Жиззах вилоятида қилчи, шилла чикириш қуввати қарий 100 тонна бўлган 12 та нон корхонаси, 8 та кичик қор-хона фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистоннинг асосий нияти — давлатлар ва халқлар ўртасидаги ишонч ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва янада ривожлантиришдан иборат

Ҳозир кундалик эҳтиёж учун кетадиган унинг яримдан кўпни Дустлик дон маҳсулотлари корхонасидан оламиз.

Ўзбекистоннинг асосий нияти — давлатлар ва халқлар ўртасидаги ишонч ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва янада ривожлантиришдан иборат

Ўзбекистоннинг асосий нияти — давлатлар ва халқлар ўртасидаги ишонч ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва янада ривожлантиришдан иборат

Ўзбекистоннинг асосий нияти — давлатлар ва халқлар ўртасидаги ишонч ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва янада ривожлантиришдан иборат

Ўзбекистоннинг асосий нияти — давлатлар ва халқлар ўртасидаги ишонч ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва янада ривожлантиришдан иборат

Муштарылар билан учрашув

УЛУҒБЕК НОМЛИ БОҒГА ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ

"Халқ сўзи" ва "Народное слово" тахририяти жамосининг ўз муштарылари билан учрашуви анъанавий тус олди.

8 октябрь шанба кун соат 12.00 да Чилонзордаги Улугбек номи истироҳат боғида газеталаримизнинг кутамиз. Сиз ҳаваскорлар иштирокида кичик концерт дастури намойиш қилинади.

Ислоҳот одимлари

ЕР ЎЗ ЭКИНИНИ ТОПМОҚДА

Ховосликлар галла қатори ота-боблари азалдан экиб келган махсар ва зигир майдонларини ҳам кенгайтирмоқда.

Пахта аққоқимлиги даврида қувватига эга бўлган ерларга ҳам чинг экин одатий ҳол эди. Шу бир ҳовуч пахта учун қанча харажат ва меҳнат сарфланарди-ю, деҳқоннинг қосаси оқармай қолаверарди. Ростини гап, анар шу иллат давом этганда бугун Ховоснинг тоғолди ҳудудида ястаниб етган минглаб тектар ерлар ҳам аллақачон пахтазорларга айланиши турган гап эди.

Келусида туманимизда, асосан, озиқ-овқат экинлари ўстириш мўлжалланаётди. — дейди туман ҳокимининг муовини Жумабой Қодирқулов. — Чуқки, пахта ҳосилдорлиги пастлиги боис даромад яхши бўлмапти.

Туманда айни чоғда галла экиш жадал олиб борилаётди. Галлакорларнинг ўз ишларида муносабат аввалгидан минг чандон ўзгарибди. Энди ҳар бир галлакорнинг ўз ери бор. Ер эгалари ширкатлар уюмисига билан тузилган шартнома асосида ишлашади. Бу келишув галлакорни уруғлигининг сифатида тортиб экиш ва парваришга масъулият билан қарашга ундайди. Чуқки, ҳосил ҳанча мўл бўлса даромад ҳам кўпаяди, рўздордан ун ҳам аримайди.

Шукурки, мустақил мамлакатимизда ерга муносабат ўзгарди. Пахта ўз қимматини йўқотгани ҳолда бошқа экин майдонлари ҳам кенгаймоқда. Қиллоқ ҳўжалиқдаги ана шу энгиланишлар туфайли Ховос туманининг тоғолди ҳудудида фақат галлагагина эмас, қадимдан шуғулланиб келинган махсар ва зигир экин имкониятлари ҳам пайдо бўлди.

А. ШЕРНАЗАРОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

ЖАҲОН БОЗОРИ РАҚОБАТИГА ДОШ БЕРА ОЛАДИГАН МАРМАР

Навоий қон-металлургия қорхонасининг Жанубий кон бошқармаси ўзининг 30 йиллик тўйини нишонлади.

Хабарлар оқимидан

сержилонлиги ва сифатлиги билан жаҳон бозорига рақобатга дош бера олади. Иккинчидан, айрим қурилиш материаллари таҳий бўлган кунда мармарга эҳтиёж ортиб бормоқда.

30 ФОНЗИ

Хўжайлидаги "Сўғдиёна" деб номланган акционерлик жамияти тўғрисида аҳоли жуда мамун бўлмоқда.

3 Ш ДАСТҲОҶЛИ ФАБРИКА

Наманган вилоятида сўнги йиллар ичиде купина янги фабрика ва қўшма корхоналар қад ростлаб, ўз маҳсулотларини савдо пештахталарига чиқара бошлади.

ЙИЛИГА 15 МИЛЛИОН ДОНА ҒИШТ

Шаҳрисабздаги 357-ҳўжалиқларро кўчма механизациялашган жамланманинг "Сўғдиёна" қурилиш-хиссадорлик жамиятига айлантирилганига ҳали кўп бўлгани йўқ.

КАМАЛАК РАНГИДА ТОВЛАВУЧИ ЧЕХИЯ ГИЛАМЛАРИНИ ХАРИД ҚИЛИШКЕЧИ БЎЛСАНИЗ, "ТОШКЕНТ УНИВЕРМАГИ" (МУМ) АКЦИОНЕРЛИК-САВДО ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАМИЯТИГА ТАШРИФ БУЮРИНГ. БУ ЕРДА 6 ТҶКОНА, БОУЛАР ХОНАСИ, ОШИХНА ЭКИ ОФИС УЧУН МЎЛЖАЛАНГАН ТУРЛИ РАНГ ВА ҲАҲИДМАГИ ГИЛАМЛАРИНИ ТАНЛАБ ОДИНШИГИЗ МУМКИН. ВА ҚЎЗНИ УЙНАТУВЧИ РАНГ-РАНГ ГУЛЛИ БУ ГИЛАМЛАР УЗОҚ ЙИЛЛАР МОБАЙНИДА СИЗГА, ФАРАНДЛАНТИГИЗУ НЕВАРАЛАНТИГИЗГА ХИЗМАТ ҚИЛИШГА ҚАҶОЛАТ БЕРАМИЗ.

"ТОШКЕНТ УНИВЕРМАГИ" (МУМ) акционерлик-савдо ишлаб чиқариш жамиятида сотилаётган гиламлар сезиларли даражада арзон. Сабаби — улар Чехиянинг "ИНТЕКС" акционерлик жамиятидан тўғридан-тўғри бу ерга келтирилмоқда.

Ҳалқ сўзи" мухбири Хайитбой НАБИРАЕВ сўзлашди.

оширилди. Бу ерда янги тикувчилик фабрикаси ишга туширилиб, дастлабки маҳсулотларини бера бошлади.

Корхона цехларида бугунги кунда 111 та замонавий тикувчилик дастгоҳлари ишлаб турибди. Бундан ташқари Ҳамдустлик мамлакатларидан келтирилган 140 та дастгоҳ фабрика цехларига ўрнатилади.

Фуркат САНАЕВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Сизга, фарзандларингизу невараларингизга хизмат қилишга қажолат берамиз.

Исон тақдири

кетиди. Совхоз директори тажрибали, палтакор Зокир ака Санаккулов барча қатори Собиржонга ҳам устозлик қилди.

1966-йилнинг кунда Собиржон Синдиковни Оқ олтин районида ташкил топган янги хўжалик — "Фаргона" совхози Директорлигига тавсия этишди.

даракт йўқ. Ичимдик сув анқонинг уруғи. Лекин бундан келмадики асло. Исон заковати, мустақкам ирода устун қилди.

Жамол ошангет чул, камол топаётган одамлар Собиржон акага бир олам завқ-шаққ бағишларди. Йўқрагини беэаб турган Олтин юлдузини биргина ўзи учун эмас, балки бир оила фарзандларидек аҳил ва иноқ жамоа меҳнатига берилган юксак баҳо деб биларди.

— Барча муваффақиятларнинг бош омилли меҳнат! — Таъкидлар эди Собиржон

Хатдаг шундай кишилар учрайдики, улар билан суҳбатлашсанг, хузур киласан.

Собиржон ака ана шундай дилқаш, ширинсухан, фикр доираси кенг пахтакорлардан эди. У билан бир марта мулоқотда бўлсангиз бас, яна учрашиб, суҳбатини олшини дилингизга тутиб кўрадингиз.

— Шарбат сувининг фойдасини кўрдингизми? — деди у. — Ана шу пайкалдаги гўзалар ўсишдан хийла орқада қолган эди. Қўшимча ишлов бердик. Мана натижаси: ҳар тул гўза баравж, серҳосил.

— Биласизми, — деган эди ўшанда Собиржон ака, — одамлар йилда бир курортга борибми, савҳатга чиқибми дам олади. Хоҳ ширининг, хоҳ ишонманг, меннинг яхши дам оладиган вақтим бу — қайноқ йиғим-терим масвуми. Кунига 5 фоз атрафида пахта топшириб турсан бўлди — бутун чарчоғим чиқди-кетди. Ўзимни қўшдек енгил ҳис қиламан, хуморим ёзилди.

— Хонанинг ҳавоси дим. Директор юз-бўйинларини румолчаси билан арғди.

— Дала одамимиз-да, ука, идорага кирсанг бўлмо етшамагандек булареради. Зарурат ҳавола-ку кирмайман-а... У бир даста хўжжатга тез-тез инизо чекида, менга юзланди.

— Ана, бу иш ҳам битди. Юринг, энди дала айланамиз. Пахтазорларимизнинг шу кунлардаги файзи-таровати ўзгача. Улкан дошқозонга ўшайди, унда ҳосил пишиб етиляпти.

— Ташқарига чиқдик. Кўёи олов пуркайдди. Қилп этган шабада йўқ. Узоқларда сароб жимирлайди.

Собиржон ака машинага чиқар экан, боғи гапни тақорлагандек мәнмун ҳаллади деди:

— Деҳқон меҳри-ю, кўёи ҳарорати билан пахтами пишиб етиляпти. Санокчи кунлар қолди, термага тулшанишга.

— Демак хумордан чиқадиган кунлар ақин қолибди-да! — Халғи гапларини аслаптиди унда.

— Унинг офтобдан қорайган юзидан ички бир қониқчи хисси балқиб турарди.

Машина тош тўшалган йўлдан гўлаллабор экан, директор ўтирган жойидан хийл эгнанди-да, йўлинг чап томонига синчиклаб назар ташлади. Бироз юргач, машинани сезди тўхтади.

— Мана шу пайкални бир кўрайлик-а! — Машинадан тушиб, пахтазор, оролақди. Ҳосил бўлиқ. Кўсақларнинг бир қисми очилган. Кўпарни чапнаб турибди.

пахтадан юқори ҳосил етиштиришдаги лавқати, салоҳияти ва истеъдод буюн қирралари билан навоиб бўлди.

Тадбиркор раббар бошчилигида хўжалик тарихан жуда қисқа вақт ичида кўп термоқли, йирик совхозга айланди. Пахтачилик қатори бошқа соҳаларда ҳам юксалишга юз тутилди.

— Қирқ центнердан! — жавоб берди бўлим бошқарувчиси.

— Чўлда дастлаб иш бошлаганимда, мана шуларнинг ешида эдим, — деди директор, Авазбекка ишора қилиб. — Қаранг, ҳаш-паш дегунча орадан йигирма беш йил ўтиб кетди-а...

Собиржон ака бироз ҳаёлга берилди. Эҳтимол шу дақиқаларда навқорон йигитлик йилларини, Андижондан чўлга отланган давларини эслаганди.

— Ушанда Балиқчи районидagi "Ўзбекистон" колхозида агроном бўлиб ишларди. Кунлимаганда област партия комитетига қақчирик қолдишди. Таклиф қилинганлар етти киши экан.

— Мирзақўлини бутун мамлакат ўзлаштирипти. Сизлар андижонликлар вақили сифатида бориб, у ерни боғу-бўсунга айлантиришдек хайри ишга хисса қўшасизлар. Ишончимиз қомил, юзизнинг ерга қаратмайсизлар — дейишди обкомданлар.

Эртасигаёқ етти азамат — етти еша мутахассис чўлга отланди. Собиржон уша пайларда эндигина ташкил топган "Пахтакор" совхозида бўлим бошқарувчиси бўлиб иш бошлаганиди.

— Хўжалик янги рўзгор эмасми, тўрт-бешта вагонча ҳам идорда, ҳам ётоқхона, ҳам ошхона вазифини ўтарди. Чўлқуварлар ишга астойдил киришиб

ақа ҳар гап. — Лекин, кишиларга гамхўрлик кўрсатилмас, меҳнатнинг самараси, хирмоннинг баракаси бўлмайди.

Деҳқонларнинг ҳаминга тушаётган пулниг хисоб-китобини қилиб бориб ҳам раббарнинг асосий вазифинидан бири.

Шунда бундан аввалги учрашув чоғида гўёш бўлганим бир воқеа халғимдан ўтди. Саратон кунлари эди. Идора ҳовлисида тургандаки, Сўмка қўтарган йигит мотоциклнинг ўт олдирди, қаёққадир жўнамоқчи бўлди. Директор уни бир зумга тўхтади.

— Йўл бўлсин, иниги? — Далага, сувниларга пул тарқатганим.

— Яхши, лекин сендан илтимос. Пулни сувчи қаерда бўлса, ўша ерга олиб бориб бер. Паикал оролашдан эринма. Керак бўлса сувчини этик қилиб ол. Шунда биринчидан, эринма ишдан қолдирмаган, иккинчидан, хурматини жойига қўйган бўласан.

Халғи йигит маъкул дедан-да, йўлга равона бўлди. Кейин билсан у хўжалик касирининг ерданчиси экан.

Собиржон ака биздан узоқлашаётган мотиқликдан кўз узмай жиддий оҳангда деди:

— Сувчи ҳосил посбон. Уларга ҳарқанча назат-икром кўрсатсан, хурматини бажо келтирсан, раббатлантурсан эрийдди.

Мана ҳозир ҳам Авазбекнинг бўлимида ишнинг боришидан қаноат ҳосил қилган раббар мннатдорчилигини ниқриг тутмапти.

— Ҳосил чўги чакки эмас. Бу ўн кўнида кўларнинг баланд қолди. Шундан сўнг совхоз устакхонасига йўл

ҚУТЛУҒ ИЗЛАР

пахтага эғлиб хидлади.

— Биласизми, энди очилган пахтада қандайдир ёқимли ҳид бўлади. Ешлигимдан хуш кураман шу ҳидни.

— Марра қанча? — деб сўрадик Авазбекдан.

— Қирқ центнердан! — жавоб берди бўлим бошқарувчиси.

— Чўлда дастлаб иш бошлаганимда, мана шуларнинг ешида эдим, — деди директор, Авазбекка ишора қилиб. — Қаранг, ҳаш-паш дегунча орадан йигирма беш йил ўтиб кетди-а...

Собиржон ака бироз ҳаёлга берилди. Эҳтимол шу дақиқаларда навқорон йигитлик йилларини, Андижондан чўлга отланган давларини эслаганди.

— Ушанда Балиқчи районидagi "Ўзбекистон" колхозида агроном бўлиб ишларди. Кунлимаганда област партия комитетига қақчирик қолдишди. Таклиф қилинганлар етти киши экан.

— Мирзақўлини бутун мамлакат ўзлаштирипти. Сизлар андижонликлар вақили сифатида бориб, у ерни боғу-бўсунга айлантиришдек хайри ишга хисса қўшасизлар. Ишончимиз қомил, юзизнинг ерга қаратмайсизлар — дейишди обкомданлар.

Эртасигаёқ етти азамат — етти еша мутахассис чўлга отланди. Собиржон уша пайларда эндигина ташкил топган "Пахтакор" совхозида бўлим бошқарувчиси бўлиб иш бошлаганиди.

— Хўжалик янги рўзгор эмасми, тўрт-бешта вагонча ҳам идорда, ҳам ётоқхона, ҳам ошхона вазифини ўтарди. Чўлқуварлар ишга астойдил киришиб

1994 йилги пахта ҳосилини тайёрлаш бўйича 6 октябргача бўлган маълумот

Table with 4 columns: Region, Harvested, Yield, Total. Rows include Qoraqalpogʻiston, Andijon, Bukhoro, Jizzax, Kashgʻadary, Navoiy, Namangan, Samarqand, Surxondaryo, Sirdaryo, Toshkent, Fargʻona, Xorazm, Uzbekiston, Respublikas bʻyicha jami, 1993 yil shu kungacha tayirlangan paxta, and a summary row for the total yield.

Advertisement for JAMGARMA BANKI. Logo and text: "Аҳоли диққати! Таъаб қилиб олинмаган омонат бунча ФОИЗ СТАВКАСИ ОШИРИЛДИ".

Advertisement for HUSUSIYLAŞTIRILAETGAN KORXONA RAQBARLARI VA TADBIRKORLAR DIQQATIGA. Text about investment and business opportunities.

Advertisement for HYUNDAI CORPORATION. Image of a car and text: "Ўзбекистондаги 'HYUNDAI CORPORATION' махсус дилери автомобилларнинг дунёга машҳур супертежамли модели 'SONATA-GLS'".

Долзарб муаммо УМИДЛАРГА ЙЎҒРИЛГАН УРУҒ

Хозирги кунлар дон экин учун энг қулай фурсатдир. Бу борда Вобкент туманида қандай ишлар амалга оширилмоқда? Туман деҳқончилик-саноат уюшмаси раиси Баҳодир Гаффоров шундай хикоя қилади:

40 МИНГ ТОННАДАН ОШАДИ Қашқадарё вилоятининг Қашани тумани пахтакорлари далада самарали меҳнат қилиб, йиллик пахта тайёрлаш режасини 27 иш кунинда ошириб адо этилар.



Шредер номидаги илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг Қизилтепа туманидаги "Тавонин" мева-кўчатчилик давлат хўжалиги деҳқонлари жорий йилда 1 минг 360 тонна "оқ олтин", 120 тонна мева, 70 тонна узум, 58 тонна сабзавот, 40 тонна полиз маҳсулотлари етиштириб ўз олдидарига қўйган режаларининг улдасидан чиқдилар. Айниқса, хўжалик пахтакорлари учун бу йил қувончли бўлди. Улар режани 25

Advertisement for LEGPROMINVEST AK. Text: "Legprominvest" AK 4 октябрда уюштирилган "Тошкент" республика жамғарма биржасининг навбатдаги савдосида 3000 донга акция пакетини сотди.

Advertisement for UZBEKLEGPROM ASSOCIATION. Text: "Ўзбеклегпрои" ассоциацияси "Legprominvest" AK қийматли қоғозларидан иборат акциялар савдосининг иккинчи бозорига таклиф қилади.

Advertisement for UZBEKLEGPROM ASSOCIATION. Text: "ЎЗБЕКЛЕГПРОМ" ассоциацияси навбатдаги савдога (иккинчи марта муомалага) АК "Legprominvest" нинг бошланғич баҳоси 117 сўм бўлган 200 акциядан иборат пакетини чиқаради.

• Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги олдидан

Утган олти аср давомида жаҳон афкор оmmasининг Улуғбек ҳаётини, ижтимоий, илмий фаолиятини билишга кизиқини асло сусайгани йўқ. Ақинчи, бу кизиқни тобора кучайиб бориб, Утган давр ичида Улуғбек ҳақида кўплаб илмий бадий асарлар яратилганини боиси шунда.

Адабиётда Мирзо Улуғбек образини яратишга интилиш XV асрдан бошланган ва бу аниқгина Улуғбек ҳаёт чегараларидан асос солиниши эди.

XV аср шеърининг Мирзо Улуғбек образини яратиш соҳасидаги эзгу аниқналарини кейинги даврларда, жумладан, XX асрда ҳам давом эттирилди. Натигада адабиётимиз шу мавзуда езилган бир қанча асарлар билан бойиди. Бу асарларнинг ҳаммасига хос бўлган умумий хусусият шундаки, уларда жаҳонни ҳойил қолдириб келатган буюқ олимимизнинг сиймоси самимий муҳаббат билан чизилган; Улуғбек ҳаёти, ижтимоий ва илмий фаолиятидаги асосий нуқталар реалистик бўёқларда кўрсатилган.

Авалло шеърят дурдоналарини, Ойбек, Ғ. Ғулом, Шайхзода, Мамарасул Бобоев, А. Орипов, М. Юсуф, Д. Файзий сингари ижодкорлар битган мисраларни эслайтик. Зеро, бу шеърлар Улуғбек миллатимизнинг шон-шарафини эканини юракдан хис этиб, Мирзоимизнинг буюқлигини ҳам, ману тирикчилигини ҳам усталик билан тасвирлаб берганлар.

Улуғбек ҳақида ранг-баранг шеърлар билан бир қаторда драматик ва насрий асарлар ҳам яратилган. М. Шайхзоданинг "Мирзо Улуғбек" фожеаси, О. Екубовнинг "Улуғбек хазинаси" романи бунинг исботи бўлиб, бу икки асарда ҳам Улуғбек образи кеиғ планда акс эттирилган. Улуғбек сиймоси ўша даврнинг мураккаб, зиддиятли ва кўп қиррали ижтимоий ҳаёти фонидан оқиб берилган. Шунга қўра бу иккала асар ўқувчилар оmmasида бадий завоқ бериш билан бирга, халқимизнинг ўтмиш ҳаётини, мамлакат тарихини ўрганишда муҳим маъна бўлиб ҳам хизмат қилади.

М. Шайхзода 1955 йилда бу фожеани езишга киришганда ва уз-луксини тарзда қаттиқ ишлаб, уни 1962 йилда езиб тугатади. Асар беш пардадан иборат. Унда тарихий ҳақиқат қайта тикланган. Аждодларимизнинг аjoyиб кадрларини, эзгу аниқналарини, илм-фан соҳасидаги буюқ кашфиётларини, Президентимизга, ҳукуматимизга қатта раҳмат, халқ фаровонлиги, юртимиз ривож учун куралиши мисолида, уларнинг ҳаёти ва

зулм ва истибод, хушбинлик, бийат фойдаланиш. Асар марказида Мирзо Улуғбек образи туради. Драматург Улуғбек образини яратишда ўша давр ҳаёти учун со бўлган конфликт ва эпизодлардан усталик билан фойдаланган. Натигада асарда Улуғбек адолатли пошхоқ, донишманд инсон, буюқ астроном олим, инсонпарвар ота тарзида қал кўтарган.

Фожеада кўрсатилишича, Улуғбек мамлакатни бошқариш

эпизодлар кўп. Улуғбекнинг салтанатга таҳдид солган кон исенчиларга қарши мардона кураши, турли мамлакатлардан келган элчилар билан олиб борган музокарали. 50 йил зиндонда етган Пирий Зиндоний билан учрашиши, Саид Обид сингари мутаассиб руҳонийларнинг кирдиқорларини фойдаланиш акс этган эпизодлар шунлар жумласидандир. Фожеада кўрсатилишича, Улуғбек текниҳур дарвешлар, жоҳил Саидлар, мурид овловчи

айтган. Айтганда ҳам гоёт таъсирли ва гоёт қизи арли қилиб айтган. Шу тариқа романда Улуғбек образининг янги қирраларини очиб, унинг мукамал ва ҳаққоний образини яратишга муваффақ бўлган.

Дарҳақиқат, романда салкам қирқ йил подшоҳлик қилган Улуғбек ҳаётининг сўнги даври ҳикоя қилинади. Шу орқали асарнинг гоёвий мазмуни ва Улуғбек характерининг кучли ҳамда ибратли томонлари очиб берилди. Романда тасвирлани-

АЛЛОМА СИЙМОСИ ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ ИЖОДИДА

билан бирга илм-фан, фалакият соҳасида тимисиз изланишлар олиб боради. Али Қўшчи ва бошқа шоғирдлари билан расадхонада юлдузлар характерини синчиклаб кузатиб, конит сирларини очди. Илмда буюқ кашфиётлар яратди. Улуғбек илм-маърифат воситасида мамлакатда адолат ўрнатилиши, халқ аҳволини яхшилаши, эл-юртни обод қилиши йўлида. Улуғбек илми ҳамма нарсадан — бойликдан ҳам, подшоҳлик даври-даворидан ҳам устун бўлди. Шунга қўра, беъизир олимимиз ўз дўстлари ва шоғирдларига насиҳат қилиб, дейди:

Илм инсон кўзини очар, кулоғини очар, Фан мияга идрок билан еруғни сочар.

Фан мияга кирган жойда, билинг, муҳаққақ, На шайтонга ўрин бордур ва на фолбинга.

Алалхусус абадийдир ҳикмат фанлари, Дақиқ фанлар таништирар бизга дунени, Коинотга очиб берар эс деразасини, Олиб ташлар ниқобларни сирлар юзидан...

Асарда Улуғбек образини очишга ҳаракат қилувчи бундай сермазун монотол ва диалоглар, шунингдек, характерли воқеа ва

эшонларнинг меҳнаткашларини талаш йўлидаги ҳатти-харакатларига чек қўйишга интилади. Аммо бек ва шаҳзодаларнинг тож-тахт учун кураши ва қора гуруҳларнинг фитна-фасодалари Улуғбекнинг илм-маърифат ва режаларининг амалга оширишга монеълик қилади.

Асарда Мирзо Улуғбек характерини очишда драматург чуқур мазмунли, ҳикматли сўзларини кўп қўллаган. Битта мисол:

Сайид, билинг, қизнинг ўзи хоҳиши билан Эрга тега, бу ҳеч қандай ўтирлик эмас...

Сиз, ҳаттоки, қизингизнинг бахтидан — хафа, Сиз одамга ўхшайсиз, отам эмасиз.

Драматург асарда қаҳрамон тилидан бундай ҳикмати ва теран маънони жумлаларни бериш билан Улуғбек характерини муҳим бир белгини — унинг доно инсон ва мутуфаккир эканини очиб беришга муваффақ бўлган.

Бу фазилат Олид Екубовнинг "Улуғбек хазинаси" романига ҳам ҳосилдир. Бирок, шуниси муҳимки, адиб романда бошқа асарларда Улуғбек ҳақида баён этилган гапларни такрорлаб қўя қолмаган. Ақинчи, мавзуга доир ҳақиқат айтилмаган. Лекин айтилиши зарур бўлган доир гапларни топиб

• Миннатдорчилик мактуби ЭРТА-Ю КЕЧ ДУОДАМАН

Мен узоқ йиллар ўрмончилик соҳасида меҳнат қилдим. Қўлаб-бор-роғлар яратишда, халқимиз мўл-кўлчилигига ҳисса қўйишда қатнашдим. Шукур кам бўлгани йўқ. Ҳозирда кесаклик нафақасиданман. Утиш даври қийинчиликларини кўпқатори биз ҳам бошимиздан кечириб турибмиз. Шунини айтмоқчиманки, ҳозирги тақчилликлар биз кўрган кунлар олдида ҳолва. Уруш даври, урушдан кейинги оғир кунларини энди ҳеч қачон авлодларимиз кўришмасин. Президентимизга, ҳукуматимизга қатта раҳмат, халқ фаровонлиги, юртимиз ривож учун куралиши мисолида, уларнинг ҳаёти ва

зарур бўлиб қолиб, Наманган вилоят сув ҳўжалиги бошқармаси бошлиғи, вилоят кенгаши депутати Ҳасимжон Хошимов хузурига бордим. У мени илқ кутиб олди, илтимосимни тезда хал қилиб берди. Мен унинг олдида илтимос билан келгунча не хаёлларга бориб, юз истиҳола билан мурожаат қилганим. Хошимов чин раҳбарга хос жокуярлик, меҳрибонлик билан кеска кўнглимни тоғдай кўтарди. Орамизда шунақанги жокуяр, фахрийларга меҳрибонлар борлигидан қувондим.

Эргашбой ЮСУПОВ, 1-гурӯх ноғироти, Чортоқ туман, Ариқбағиш қишлоғи.



Анджон вилоятининг "Сумалак" халқ дастаси катнашчилари шу кунларда пахта далаларида бўлишиб, меҳнаткашларга концертлар қўйиб беришапти. СУРАТДА: даста катнашчилари. Д. САЛИМОВ тасвир.

• Иқтисод чорраҳаларида ЯНГИ МАШИНАЛАР ЙЎЛГА ЧИҚДИ

Германиянинг жаҳонга машҳур "Мерседес-Бенц" машинасозлик фирмасининг Хоразмдаги қўшма корхонаси машинасозларининг қувончи чексиз. Неаки, заводдан чиқа бошлаган дастлабки оғир юк кўтарувчи машиналар харид қилина бошланди. Кўни кенча "Уртаосиетранс" бирлашмаси

бу машинасозлик заводидан дастлабки 50 та машинани сотиб олди. Бугунги кунда Хоразм машинасозлик заводининг дастлабки машиналари йўлга чиқди. Хоразмлик машинасозлар яна 100 та машинани дастлабки савдога қўйдилар.

С. ФУРҚАТОВ, "Халқ сўзи" муҳбири.

• Кураш, ақл-идрок ва ирода поэзияси БИРИНЧИ БОСҚИЧ ЯҚУНЛАНДИ

"Халқ сўзи" шохмат илҳосмандларидан "Кураш, ақл-идрок ва ирода поэзияси" рукни остида берилётган диаграммалар бўйича кўплаб хатлар олди.

Шуниси эътиборга моликки, бизга жавоб йўллаган кишилар орасида оддий касб эгалларидан тортиб, фан номзодлари, профессор ва разрядли шохматчилар ҳам бор. Шунингдек, муштарийларимиз тахририятимизга кўнгирик қилишиб, газетамизда шохмат бурчаги очилганини илқ кутиб олаётганини эътироф этишди ва бу борадати ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Жумладан улар шохмат бурчаги газетамизда мунтазам, ҳафтанинг маълум бир кунинда берилишини сурашган. Биз уларнинг таклифларини инобатга олиб, келаси йил январь ойидан бошлаб шохмат бурчагини мунтазам ташкил қилишга қарор қилдик. "Кураш, ақл-идрок ва ирода поэзияси" деб номланувчи ушбу шохмат бурчагининг уну-фаол иштирокчиларини мўко-фотлаб борамиз. Қўйида эса синов тартибидеда эълон қилинган дастлабки етти та диаграмма бўйича натижаларини маълум қилишдан олдин, унинг фаол иштирокчилари ҳақида тўхталиб ўтишни жонз деб билдик.

ЖАВОБЛАРИНИГИНИ ТЕКШИРИБ КЎРИНГ

- Газетамиз саҳифаларида чоп этилган етти та диаграмманинг жавоблари қўйидагичи:
1-ДИАГРАММА
МАСАЛА: 2 юришда мот.
ЖАВОБИ: 1. f 8 0!
2-ДИАГРАММА
МАСАЛА: 2 юришда мот.
ЖАВОБИ: 1. 0с4!
3-ДИАГРАММА
МАСАЛА: Келин айтган сўзлар асосида (газетамизнинг 5 август 1994 йил сонига қаранг) икки араваги синдириб, яъни ўтин қилиб, қатта бўлиб қолган болаларни (пиедаларини) туяга (филга) ортиб, тоғларга чиқиб кетиш эртак мансубасини ечиш.
ЖАВОБИ: 1. Pн8 + !! Ш: h8 2. Фс5 4 Фрн2 3. Pн2 + Шг8 4. Pн8 + !! Шh8 5. F7X
4-ДИАГРАММА
МАСАЛА: уч юришда мот.
ЖАВОБИ: 1. Фрн3 в3 2. Фрс3 Шн3 3. Фрп1 X еки 1... Шн5 бўлса, 2. Фрг2! Шн4 3. Фрп2X.
5-ДИАГРАММА
МАСАЛА: уч юришда мот.
ЖАВОБИ: 1. Шс2!, 2. Pн6 ва 3. Pс X
6-ДИАГРАММА
МАСАЛА: Этнод. Оқлар бошлаб ютади.
ЖАВОБИ: 1. f6!! g1 2.4 Шд4 3. g5 f6 4. f6 Шс5 5. gн Шг6 6. Шс2 лутганив. Оқлар ютади.
7-ДИАГРАММА
МАСАЛА: Этнод. Оқлар бошлаб дурангга эришди.
ЖАВОБИ: 1. Шб5 h5 2. Шс6 Шс8 (2... h4 бўлса, 3. Шб7!) 3. Шд5 ва оқ шох қора пиеданинг квадратига, демек дуранг.

Ўзбекистон бозорларидаги газмолларнинг энг йирик таъминотчиси
Abdullah group of companies
Abdulla kompaniyasi guruhi
Манзилгоҳимиз: Тошкент, Глинка кўчаси-11 уй.
Телефонлар: 54-87-47, 54-87-88.
Факс: 54-89-53.

"Аль Самарқандий" фирмаси қуйидагиларни таклиф этади:
1. IBM 386 DX 40/4170/SVGA "Epson FX 1050" компьютери
2. IBM 486 SX 40/4130/SVGA "Samsung SP-0912" компьютери
3. "Panasonic KX-F130BX" телефакси
4. "Canon FC-330" А4-формат ксерокси
5. Лампа (ЛБ-40; ЛБ-80) ва стартерлар
6. Бизнес папкалар
7. Хар турдаги калькуляторлар
8. Езув машиналари ва принтерлар учун 13 мм. ленталар
9. Компьютерлар учун филтрлар
10. Габелен, мебел ва энгил автомашиналар учун қоллама материаллар
11. Телевизорлар
12. "Кама-10" сув насоси
13. Ксерокс ва принтерлар учун катридж
14. Кабель (АСВ 3х50)
15. Кабель (ААНВ 3х70)
16. Лампочка ("Сокол" - 60 вт.)
17. Автотрактор лампочкаси (А-12-50)
18. ДРЛ-250, ДРЛ-400
19. СИМ (ВП д-4, д-5)
Шунингдек, ТТЗ-80 ва Т-28-Х-4 тракторларини қишлоқ хўжалик махсудатларида алмаштирилади.
Телефонлар: Тошкентда (3712) 72-54-68
Самарқандда (3622) 31-06-64

"Дубай-бизнес-център" МАГАЗИНИ
Panasonic
фирмасининг
маиший хизмат электроника ва электротехникаларини таклиф қилади
Маъзилмиз:
Тошкент ш., Содиқ Азимор кўчаси, 81
Телефонларимиз:
(3712) 33-69-93, 32-09-57

Ташкилот шеърмонларнинг ҳар хил кўрларини таклиф қилади.
Шеърмонлар бурғой ва бошқа қонлардан, мармар, шима, гранит, мөбеллардан, резина, пластмасса, нўзалыядан, кўрли доғивор ўсимликлардан сифатли үн ёки кўкүн олишга мўлжалланган.
Унцидоғий 50 кг. соабдан 1000 кг. соабгача мўлжалланган.
Шўлов шакллари ихтиёрлий.
Телефон: (3712) 76-88-54.

"Юнусобод туман улгурчи-чакана мевасабзавот комбинатининг хусусийлаштирилганлиги учун жамоа мулкига ўтиши муносабати билан "БОБОДЕХҚОН" жамоа корхонасига айлантириди. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади."

Халқ Сўзи
НАРОДНОЕ СЛОВО
МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.
Бош муҳаррир: Анвар Жўрабоев.
• БУЛИМЛАР: Парламент 33-57-34; Хатлар 33-07-48; Қишлоқ хўжалиги 32-07-94; Иқтисодий 32-36-65; Маънавият 32-35-80; Ахборот 32-29-89; Туғни муҳарририят 33-10-28.
• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Мағбуотчилар кўчаси, 19-уй.
Навбатчи муҳаррир — Р. Жумаев, Навбатчи — Ҳ. Ғойимов.
Рўйхатдан ўтин тартиби №0001 Буюртма Ғ. — 1197 71326 нуқсадда босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўроз бичими А — 2
«Шарқ» нашрият-матбаа концерни. Корхона манзили «Буюқ Турон» кўчаси, 41. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Босишга тошпириш вақти — 21.00. 1 2 3 4 5 6